

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯДА КИНОЯВИЙ УСЛУБ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

(Ёзувчи Эркин Аъзам ижоди мисолида)

Ашурова Нигора Хайитовна

Тошкент фармацевтика институти ўқитувчиси

Киноя инсонни ўз камчиликларини англаб, ўз-ўзини тафтиш қилишга ундайди. Адабиётшунослик илмида ҳам бу тушунча инкор этиш билан боғлиқ усуллардан бири саналади. Бадий асарларда бирор шахс, нарсга ёхуд ходиса устидан яширин қулиш киноя саналади. Ўзбек адабиёти хазинасига халқ оғзаки ижоди орқали кириб келган киноя услуби XX асрда Абдулла Қодирий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Ғофур Ғулом, Абдулла Қахҳор асарларида янгила кўриниш касб этган.

Истеъдодли ёзувчи, драматург, сценарист ва публицист Эркин Аъзам асарларининг ўқимишли бўлишида улардаги киноя муайян ўрин тутди. Киноя ҳажвий асарларга хос хусусият саналса-да, 1980-90 йиллар насрида у ижтимоий-психологик унсур сифатида намоён бўлди.

Ёзувчининг бадий маҳорати энг аввало, унинг асарларида тез-тез ва ўрнида кўзга ташланадиган енгил киноя, ҳажв билан характерланади. Киноя асарга ҳаётбахш руҳ беришга, китобхонга бадий-эстетик завқ бағишлашга айна пайтда уни тарбиялашга, шунингдек, ҳаёт қусурлари ҳақида объектив сўзлашишга имкон берадиган асарга миллий руҳ бағишлайдиган усуллардандир. Киноявий ифода тарзи ёзувчидан сўзомонлик адабий ва жонли ҳамда бадий тилларни мукамал билиш, унинг имкониятларидан ўрни билан фойдалана олиш малакасини талаб этади.

Айни пайтда асар халқчиллигини таъминлайдиган белги сифатида ёзувчининг ҳаёт, миллат, инсон учун масъуллик даражасини намоён этади. Эркин Аъзам ижодида киноя турли кўринишларда намоён бўлган баъзида муаллифнинг ўз тилидан келтирилган сўз ибора ҳамда мақол ва маталларда,

бошқа пайтларда эса персанажларнинг ўзаро муомила – муносабатларида, яна баъзан уларнинг турқ таровати, ҳатти-ҳаракатларида, яна айрим пайтларда эса қаҳрамонларнинг атрофларидаги бошқа кимсаларга берган баҳоларида зоҳир бўлади. Адиб ижодида ёрқин номоён бўлувчи бадиий киноявий услубнинг айрим қирраларига тўхталиш орқали фикрларимизни далилласак.

Масалан, “Ёзувчи” ҳикоясини ўқир экансиз, унда ҳаётимиз давомида рўй берган ва бераётган воқеа – ходисалар шундай чизиладики, уни рад этиш мумкин эмас. Уларнинг барчаси кўз-ўнгимизда, атрофимизда бўлаётган воқеалардир. Адиб уларга бадиий безак бериб, қаҳрамонларнинг ўй-кечинмаларини зўр маҳорат билан чизади ҳамда халқона оҳангда йўғрилган ҳолда тасвирлайди. Шу билан бир қаторда адибнинг дилбар лирик талқинлари, латиф юмори, киноя-кесатиклари эса аввалгиларига кўра кенгрок, теранрок бадиий, ижтимоий-фалсафий кўлам касб этади.

Ҳикоядаги “Ёзувчи” қаҳрамони ўртамиёна қаламкаш бўлса-да, адабиёт оламининг содиқ, жафокаш, ҳалол, андишали фуқароси эди. Асар қаҳрамони Домла **“ўлгудек тортинчоқ, хокисорлиги туфайли кўзга кўринмайди. Бутун умри ўз асарларини, ўзлигини намоён этолмай, ўзгалар хизмати, ўзгаларни юзага чиқариш билан ўтади...”** дея таърифланади.

Мана шундай адабиётнинг жафокаш, меҳнатсевар инсонлари меҳнати эвазига ном таратган, ўзи ёзувчи ёки шоир мақомига эга бўлсада адабиётнинг сир-асрорлари, оламидан умуман бегона, ҳатто етарлича тушуниб етмаган мансабпараст, шухратпараст кимсалар устидан очик киноя қилинади.

Мустақиллик ёзувчи ва шоирларга умуман, ижод аҳлига эркинлик, даврни тўғри талқин қилиш имконини берди. “Ёзувчи” ҳикоясидаги **“...олими четда қолиб, золимлари олимлик даъвоси билан чиқа бошлади... Бундайларнинг баъзиси дафтар-қаламинини момосидан қолган сандиққа ташлаб, тирикчилик измига тушуб кетади” ёки “об-ҳавога мос”, бозорбоп асарларини қаторлаштириб ташлайверади”, “бос, давринг келди, босиб қол”** каби ўринларда ўзи асар ёзолмаса-да, ёзувчиликни даъво

килувчиларга киноя қилади. Асарнинг воқеалар тизимида шунга амин бўласизки, ўзгалар меҳнати эвазига қурилган, барпо этилган умуман яратилган соҳта обрў-эътибор, мартаба, мансаб охир оқибат саробга айланиши, ҳаммаси бекор эканлиги таъкидланиб ўтилади.

Адиб ўз асарларида жумладан, “Ступка” ҳикоясидаги қаҳрамонлар рус миллатига мансуб бўлсада, уларнинг юриш-туриши, ўзи яшаб турган миллатнинг урф-одатлари, анъаналарига ҳурмат туйғусини тарғиб этиш билан бир қаторда уларнинг исмларига ҳамоҳанг тарзда Марина янгамиз дея мурожаат этади ёзувчи. Айниқса асар қаҳрамонлари бир-бирлари билан учрашган лавҳадаги суҳбатда бу янада теранроқ англашилади.

“Янгамиз ёнбағирда жойлашган боғ-роғли, кенг-мўл ҳовлига кириб борганда Лена модачи тандир бошида нон ёпмоқда экан. Аниқроғи ёпиб бўлгану хонтахтага ёйиб қўйилган қип-қизил нонларни дастлаб дастурхонга ўраётган экан... Ҳовурдан қизарган, асли қовжираб кетган бир бурдагина юзда иккита киртайган яшилтоб нуқта йилтиллаб кўринади – бамисоли икки томчи ўсма суви!

– Келинг, келинг, Маринаой!

– Бормисиз, Ленахон, бормисиз?

Мана шу лавҳада бир дунё мазмун англашилишини илғаш мумкин. Асар қаҳрамонлари ўзлари яшаб келаётган юртнинг урф-одатларини, қишлоқ аёлларининг юриш-туриши, ҳатто сўзлашиш жараёнларида ҳам юрт нафаси уфириб тургандек бўлади. Айниқса Лена модачи Марина янгамизга қараганда янаям ўзбеклашиб кетгани, уй-рўзғор юмушларида, юриш-туришида батамом қишлоқ ҳаётига сингиб кетгани учун маҳалладошлари “кўккўз хола” дея мурожаат қилганда янада ойдинлашади.

Бадий – киноявий ифода услуби адибнинг сўнги йиллар ижоди маҳсули бўлган “Жаннат ўзи қайдадир?” ёхуд “Жийдалидан чиққан Жўрақул” драмасида айниқса ёрқин номоён бўлган. Энг аввало драма қаҳрамонларининг номлари эътиборини тортади: “Хоним ёки Янгамулло, Раҳматиллоҳ Жийдалиёй ёки Бой ота, Клара ёки Комилахон, Мэлис ёки

Меливой, Асал хола ёки Аммашка, “Оқ каптар” ёки Операчи қиз, Луизахон ёки “Айлавю”.

Бу каби қўш номланишлар асар қаҳрамонларининг қиёфасизлиги, ўз-ўзligидан норозиланиб, ҳашаматга интилиши, маънавий оламдан моддиятни устин қўйишга интилиши характери муболағалаштириб кўрсатишга ёрдам беради, қаҳрамонлар характери типиклаштиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, адиб киноявий усулдан ўз қаҳрамонлари характерларни яратиш, уларни очиб бериш, шунингдек, уларнинг қусурларини кўрсатишда маҳорат билан фойдалана олган. Шунингдек, бадий асарларда киноявий тасвир воситалари орқали ёшлар таълим-тарбиясида, улар қалбида ватанпарварлик туйғуларнинг шаклланишида замин бўла олади. Зеро, илм истаган кўнгиллар ҳамиша эзгу мақсадлар сари интилиш баробарида, юрт келажагини барпо этишда ўз хиссасини қўшишишга ишонамиз.